

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2020-7**

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Хива-2020**

халқлари турмушига таъсири.....	
<b>Қурбанова Д.Ш.</b> Қадимги Хоразм тарихининг XIX асрнинг иккинчи ярмида ўрганилганлик даражаси.....	99
<b>Сабирова Н.Э.</b> Хоразм халфачилигининг тарихий илдизлари.....	102
<b>Суюнов С.С., Раҳмонов Х.Ў.</b> Булунгур туманининг суғорилиш тарихидан.....	106
<b>Тошов К.Т.</b> Сурхон воҳаси аҳолисининг иккинчи жаҳон уруши йилларида фронтга юборган моддий ёрдами.....	112
<b>Хатамова З.Н.</b> Бухоро хонлиги таркибидан ажралиб мустақилликни эълон қилган қўқон хонлиги солиқ тизимида юз берган ўзгаришлар.....	116

#### ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<b>Ashirmatova M.J.</b> Training of terminology at agrarian university in russian language .....	119
<b>Djabborova Kh.A.</b> Teaching text translation to the students of higher education .....	121
<b>Djumaniyozova E.</b> Role of the english language in the modern society .....	123
<b>Djumaniyozova E.</b> The problem of foreign language grammar proficiency levels in a non-linguistic higher education .....	125
<b>Ergasheva N.A.</b> Analysis and testing of language features of mining terminology .....	127
<b>Ermetova J., Abdullayeva N.F.</b> Technology enhanced methods of teaching writing of english language in the EFL .....	129
<b>Hodjaeva S.O.</b> Use of blended learning in the process of teaching a foreign language .....	132
<b>Komilov J.K.</b> Process of forming alphabetic system for successful communication .....	134
<b>Shomurodova Z.R.</b> Teaching english for specific purpose to improve students' level .....	137
<b>Yodgorova Z.K.</b> The modern ict as a tool of efl teaching .....	139
<b>Ғозиева М.Т.</b> Нофилологик олий ўқув юртларида чет тилларини ўқитишда вужудга келадиган муаммолар .....	141
<b>Ибрагимова Н.М.</b> Мир блогерской лингвистики .....	144
<b>Курбонов А.У.</b> Заки Валидий Тўғоннинг Навоий ҳақида фикрлари .....	147
<b>Пардаева Д.Т.</b> Техника олий ўқув юртларида инглиз тилини касбга йуналтирилиб ўқитиш методикаси .....	150
<b>Пардаева Д.Т.</b> Чет элда натурал ва тўғри методларнинг пайдо булиши .....	153
<b>Самандарова Л.</b> “Олма пишганда келинг” драмасида аналитик фольклоризмлар .....	155
<b>Умрзақов И.</b> Уильям Фолкнер ижоди ва услубининг ўзига хослиги .....	159
<b>Шералиева Н.А.</b> Таржимада комплементар алоқа .....	162

#### ҚИШЛОҚ ХҲҲАЛИК ФАНЛАРИ

<b>Ismayilova I.</b> Xorazm viloyatida ekilayotgan g'o'za navlarining xosil elementlari shakllanishiga o'g'it me'yori, suv berish tartibi va ko'chat qalinligining ta'siri.....	164
<b>Алланов Х.К.</b> Ингичка толали ғўза навларида бир центнер пахта ҳосилини етиштириш учун сарфланган сув сарфи.....	167
<b>Дурдиев Н.Х., Баханова Д.</b> С-8294 (Гурлан) ва Хоразм-150 ғўза навларининг уруғлик сифат кўрсаткичлари.....	171
<b>Исламов С.Я., Сейилбеков Р.Б.</b> Шимолий минтақаларда беҳи навларининг ўсиш ривожланишига пайвандтагларнинг таъсири.....	175
<b>Кадиров Ш.Ю., Жуманиязов Ф.Қ., Абдурахимов У.К.</b> “Ният” ғўза навини тупроққалъа тумани шароитида етиштириш бўйича дастлабки натижалар.....	177
<b>Қўчқоров Ж.Ж., Сатторов Ш.Я., Музафаров Р.М.</b> Суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашда базали ер текислагични такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар.....	179
<b>Мадримов Р., Матқурбонов Т.</b> Хоразм воҳаси учламчи даврда шаклланган тупроқларининг ҳозирги ҳолати ва улардан фойдаланиш.....	181
<b>Пиримов Ж.Ж., Бобожонов С.Ў., Сайдуллаева М.С.</b> Кадастр карталарини фотограмметрик услублар ёрдамида янгилаш.....	184
<b>Пиримов Ж.Ж., Сатторов Ш.Я.</b> Яйлов ерларини хатловдан ўтказишда геодезик ва геоинформацион технологияларни қўллаш.....	187
<b>Рашидова Д.К., Амантурдиев Ш.Б., Рашидова С.Ш., Шарипов Ш.Т., Абдурахманов Ш.Т.</b> Действие нанополимерных препаратов на посевные и сортовые качества воспроизводимых сортов хлопчатника.....	189

5. Ulvydienė Loreta, Buivyte Giedrė. Embodiment of the concept of time in William Faulkner's As I Lay Dying and Virginia Woolf's To the Lighthouse. *Respectus philologicus*. Vilnius University press. Kielce. 2013. № 23 (28). pp. 58-65.

6. <https://www.brainpickings.org/2014/01/10/william-faulkner-nobel-prize-acceptance-speech/>

УЎК 808.3

### ТАРЖИМАДА КОМПЛЕМЕНТАР АЛОҚА

*Н.А. Шералиева, ўқитувчи, Кўқон давлат педагогика институти, Кўқон*

**Аннотация.** *Мазкур мақолада таржима жараёнида комплементар алоқа- аслий матн маъносини тўла сақлаб қолиш учун матн хусусиятидан келиб чиқувчи қўшимчалар – қайд, изоҳ, муаллиф ёки таржимон сўз бошиси ёрдамида матнлараро муносабат ҳақида сўз юритилади.*

**Калим сўзлар:** *таржима, комплементар алоқа, қайд, изоҳ, таржимон*

**Аннотация.** *В данной статье рассматривается дополнительная связь в процессе перевода - взаимосвязь между текстами с помощью дополнений, вытекающих из характера текста - заметки, комментарии автора или переводчика для полного сохранения смысла исходного текста.*

**Ключевые слова:** *перевод, дополнительное общение, заметка, комментарий, переводчик*

**Abstract.** *This article deals with the complementary connection in the translation process - the interrelationship between texts with the help of additions arising from the nature of the text - a note, comment, author or translator to fully preserve the meaning of the original text.*

**Key words:** *translation, complementary communication, note, comment, translator*

Таржимачилик амалида кўпроқ қиёсий адабиётшунослик назариясида *матний, комплементар* [лот. *complementum* – қўшимча] алоқа деган тушунча бўлиб, бунда прототекст – аслий матн маъносини тўла сақлаб қолиш учун матн хусусиятидан келиб чиқувчи қўшимчалар – қайд, изоҳ, муаллиф ёки таржимон сўз бошиси ёрдамида матнлараро муносабат ўрнатилди. Бу ҳодиса профессор Диониз Дюришиннинг барча илмий тадқиқотларида яхши ривожлантирилган.

“Темур тузуклари”нинг ҳозирги ўзбек ва рус тилларига қилинган таржималари матний қўшимчалар билан мўл равишда тўлдирилган. Улардаги қайдлар, матн ости изоҳ ва сўз боши академик Б.Аҳмедов томонидан ёзилган. Темур тузуклардаги матний қўшимчалар XIV аср Мовароуннахр тарихига оид ахборотларни китобхонга тўлиқроқ етказишга хизмат қилади. Худди шунингдек ҳолатни инглиз-ирланд ёзувчиси Ж.Жойсинг “Навқирон санъаткорнинг сийрати” романи таржимасида ҳам кўрамыз. Муқаддас китоблардан олинган иқтибослар, дин арбобларининг ҳаёти ва фаолиятига ишора асосий матнга қўшимча тарзда ўқувчи билим савиясини кенгайтиришга хизмат қилади. Романда ҳазрат Долан синфга кириб, Стивен ва унинг коллеждоши Флемингни жазвал билан уриб ноҳақ жазолайди ва *эртага* яна, яна, яна, *ҳар қуни* келишини таъкидлайди. Бу вазият В.Шекспир трагедияларидан биридаги конхўр Макбетнинг ақдан озган хотинининг ўлганини эшитиб айтган монологидagi сўзларни эслатади:

Б.Пастернак таржимаси:

Не догадалась умереть попозже,

Когда б я был свободней, чем сейчас!

Мы дни за днями шепчем: «*Завтра, завтра*».

Так тихими шагами жизнь ползет

К последней недописанной странице.

Ж. Камол таржимаси:

Бир кунгина кейин ўлса нима қиларди!

Нохуш-нохуш хабарларга хушим йўқ бугун.

Ҳамма иш шундоқ. *Эрта, эрта, эртага...*

Кунларимиз ивирсиб ўтар...

М.П. Богословская-Боброва Макбетнинг сўзларига ишора қилиб, таржима қилади: “*Завтра, и завтра, и еще завтра*, – сказал инспектор. – Запомните это хорошенько. Отец Долан будет приходить каждый день”.

Романнинг аслий матнида Макбетнинг қуйидаги сўзларига ишора қилинади:

*She should have died hereafter;*

*There would have been a time for such a word.*

*Tomorrow and tomorrow and tomorrow,*

*Creeps in this petty pace from day to day*

Шекспир ҳам, Борис Пастернак ҳам, Жамол Камол ҳам, Саъдулла Аҳмад ҳам, Богословская-Боброва ҳам – ҳаммаси Аҳмаджон Отабоевдай *эртагаям, индингаям, индинигаям* (завтра, послезавтра, послепослезавтра) деб ёзганларида қандай бўларди экан?

Аслида муаллифнинг шахсий услуби жилоланмайди ҳам, янгиланмайди ҳам, тузатилмайди ҳам. Шунга зарурат бўлса, буни унинг ўзи бажараверган бўларди. Таржиманинг бу йўсини қадимдан амалда. Таржима бўлиш-бўлмаслик муаммоси Данте (1265-1321) ва Сервантес (1547-1616) нинг бошини қотирган: "номукамал" аслиятни "қиёмига етказиб" ағдариш мутлақо мумкин, дейишган улар. А.Ф. Тайтлер эса таржима тамойиллари ҳақидаги (Tytler A.F. Essay on the Principles of translation. London, 1791) асарида аслий матнга нисбатан тўла эркинлик, ҳатто уни безаб ўгириш мумкинлигини ёқлаб, замондоши А. Поп қаламига мансуб, мазмун ва услуб жиҳатидан мутлақо ўзгартириб ўгирилган "Одиссея"нинг таржимасини юксак баҳолаган. Энди бу 200 йил муқаддам.

Аммо ҳозирги ўзбек адабиётида ҳам бу "касаллик" учраб туради. Масалан, Э. Воҳидов ўзгача, А. Орипов ўзгача шоир. Тилак Жўра – бошқа бир Дунё, Ойдиннисо – ўзгача олам. Улар яхшилаш, тузатиш, янгилашга муҳтож эмас.

Таржима санъати – санъатлар санъати. Муаллиф қалбидаги, ўйи-фикридаги сўзни топаман деб қанчалик азоб чекасан: кечалари бедор луғат титкилайсан, ҳамкасбларингга қўнғироқ қиласан, интернетга мурожаат қиласан, соҳа усталарига борасан, хуллас ором билмайсан. Лекин бу наф, тама, манфаат деб эмас, сидку дилдан, берилиб, ҳатто ўзини унутиб бажариладиган ижодий иш. Азоб, лекин бу фараҳбахш азоб. С. Ҳусайннинг фикрича, бадий таржима соҳасида шунга эришмоқлик керакки, ҳар бир ёзувчи бирон бадий асарни таржимага олар экан, унга худди оригинал асар ёзаётгандай севиб киришсин. Бадий таржима – бадий шарафли иш бўлиб, билим ва санъаткорлик талаб этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жўраев К. Модерн адабиёт. Андижон, 2006.
2. James Joyce. A Portrait of the Artist as a Young Man. // Портрет юного художника. М.Богословская-Боброва таржимаси М., Терра, OCR & spellcheck by HarryFan, 24 November 2000.
3. Жеймс Жойс. Навқирон санъаткорнинг сийрати//Русчадан Аҳмад Отабой таржимаси. Жаҳон адабиёти, 2007, №№ 3-4